



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ СЕССИЯСИДА ХУДУДНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИГА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШГА ОИД МУҲИМ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



Нукус шаҳрида 26 август куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари ўттиз тўртинчи сессияси бўлиб ўтди.

Уни Жўқорғи Кенгес Раисининг ўринбосари Атабек Давлетов олиб борди. Сессиянинг котибияти сайланиб, кун тартиби тасдиқланди. Унга кўра, иккита ташкилий масала кўрилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Мурат Камалов бегоблиги сабабли ваколат муддатини олдиндан тўхтатиш бўйича ариза билан мурожаат қилган. Бу масала овозга қўйилди ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, Жўқорғи Кенгес

Раиси Мурат Камаловнинг ваколат муддатини олдиндан тўхтатиш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Сессияда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисини сайлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, бу лавозимга номзод депутатлардан иборат Оқсоқоллар кенгаши томонидан тавсия этилади. Шу боис, Оқсоқоллар кенгаши тузилди.

Кенгаш аъзолари маслаҳатлашиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси лавозимига Оринбаев Аманбай Тлеубаевич номзодини тавсия этди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Президент сифатида олти йил давомида бошқа ҳудудларга нисбатан энг кўп, яъни тўққиз марта Қорақалпоғистонга келиб, бу ердаги оқсоқоллар, тадбиркорлар, ёшлар

вакиллари билан кўп-кўп мулоқот қилганини таъкидлади.

Ушбу даврда Қорақалпоғистонни комплекс ривожлантиришга қаратилган 31 та фармон ва қарорлар қабул қилинди. Худудда тадбиркорлик субъектлари сони 2 баробарга ортди, қарийб 4,5 мингта инвестиция лойиҳалари ишга туширилди.

Қорақалпоғистонда ичимлик суви таъминоти 40 фоиздан 68 фоизга, мактабгача таълим билан қамров даражаси 32 фоиздан 76 фоизга, аҳоли даромадлари жон бошига 2 баробарга ошди. 2017–2021 йилларда 26 минг 400 та турар-жойлар барпо этилди.

Аммо шунча саъй-ҳаракатларга, Қорақалпоғистонга ажратилаётган катта-катта маблағларга қарамай, ичимлик сув, ички йўллар, электр таъминоти, ишсизлик, нарх-наво каби масалаларда муаммолар сақланиб қолаётгани танқид қилинди.

Давлатимиз раҳбари номзодни лавозимга тасдиқлашдан аввал унинг муаммоларни ҳал қилиш ва худудни ривожлантириш бўйича режаларини эшитишни таклиф қилди.

Номзод Қорақалпоғистонда тадбиркорликни, аграр соҳани ва инфратузилмани ривожлантириш, саноат лойиҳаларини кўпайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим ва ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларини баён этди.

Президентимиз бу таклифларни маъқуллаб, уларни амалга ошириш учун фақат Қорақалпоғистон учун фойда солиғи, айланма солиқ, мол-мулк ва ер солиғи ставкаларини 2 баробар қисқартиришга кўрсатма берди.

— Майли, маблағ бюджетга тушмасин, хонадонларга тушсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Пахта ва галла майдонларини қисқартириб, ҳар бир оилага 2 гектардан ер ажратиш, Нукус шаҳрида саноат технопарки ва туманларда тадбиркорлик зоналари ташкил этиш, йўлларни таъмирлаш, электр, газ ва сув таъминотини яхшилаш бўйича вазифалар қўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Аманбай Оринбаевнинг раҳбарлик қобилияти, ватанпарварлиги ва инсоний фазилатларини ҳисобга олиб, унинг номзодига ўз розилигини билдирди.

— Сизнинг биттаю битта вазифангиз — халқни рози қилиш. Ҳар бир туман, қишлоқ ва овулларга кириб бориб, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Жўқорғи Кенгес депутатлари, жамоатчилик вакиллари сўзга чиқиб, номзодни қўллаб-қувватлади.

Саноқ комиссияси тузилди. Яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси лавозимига Аманбай Оринбаев сайланди.

— Мана, юксак ишонч, катта умидлар билан янги Раис сайладик, — деди Президент. — Энди у адолат, садоқат, масъулият ва тартиб-интизомни ўз фаолиятига мезон қилиб олиши керак. Халқимиз бағрикенг. Ватан ягона! Бирлашсакки-на олдимизга қўйган улкан-улкан марраларга, албатта, етамиз.

Шу билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессияси якунланди.

Сессиядан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳридаги Амударё маҳалласини бориб кўрди.

Бу ерда 6 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. 2 та саноат корхонаси, 20 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохбачаларида одамлар иш билан банд.

Яқинда маҳалладаги ички йўллар, табиий газ ва электр тармоқлари таъмирланди. Ён-атроф ободонлаштирилди. Мактаб ва мактабгача таълим муассасаси қиёфаси янгиланиб, шароитлари яхшиланди.

Ушбу мактаб ҳовлисида маҳалла фаоллари, нурунийлар билан самимий суҳбат бўлди.

— Мен Президент сифатида бошқа худудларга нисбатан энг кўп Қорақалпоғистонга келибман. Биринчи қадамларимиздан билдикки, паства тушсак, бирлашсак, ҳаракат қилсак, ўзгариш қилса бўлар экан. Сўнгги йилларда Қорақалпоғистонда катта янгиланиш бўлди. Ичимлик сув таъминоти яхшиланди, мактабгача таълим қамрови ошди. Қўллаб-қўйилар қўрилди. Бундай ўзгаришларни сизларнинг маҳаллангизда ҳам кўриб, хурсанд бўлдим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Нурунийлар июлда юз берган воқеалар катта хато бўлганини, айрим ёшлар адашганини айтдилар. Асрлар давомида қорақалпоқ ва ўзбек бир тану бир жон бўлиб кетганларини таъкидлаб, халқимизга тинчлик-омонлик сўраб дуо қилдилар.

— Албатта, бу барчамизни қаттиқ ташвишга солди. Бу ҳодисалар Қорақалпоғистон халқининг хоҳиш-иродаси эмасди. Қорақалпоқ элининг виждони пок. Халқимиз “эт билан тирноқ”. Илоҳим, бундай кўнгилсизликлар бошқа бўлмасин, юртимиз тинч, оғизбирчилигимиз абадий бўлсин, — деди Президент.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга ташрифи якунланди.

ЎЗА

ЯНГИ ДАВР НАФАСИ

МУСТАҚИЛЛИК — АВВАЛО, ҲУҚУҚ ДЕМАК

Истиқлол бизга, энг аввало, ўзликни англаш, инсон манфаатлари устувор бўлган эркин демократик жамият қуриш, миллий ва диний қадриятларни тиклаш, улуг аждодларимизнинг бебаҳо маънавий меросидан баҳраманд бўлиш, ўзимизга мос турмуш тарзини белгилаш имконини берди. Истиқлол халқимизга ато этган бебаҳо имкониятлар самарасини бугун ҳаётимизнинг барча соҳаларида кўриш мумкин. Айниқса, “Инсон қадрини учун” эзгу тамойили асосида жамиятимизда кечаётган муҳим ислохотлар Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, обод ва фаровон жамият барпо этиш борасидаги орзу-ниятларимизни рўёбга чиқаришда ёруғ истиқболлар очмоқда.

▶ Давоми 5-бетда

МУНОСАБАТ

ХУСУСИЙ МУЛК — ДАХЛСИЗ ХУДУД



▶ 2-бетга қаранг.



Истиқлол, ҳурлик, озодлик тушунчалари барча халқлар учун алоҳида қимматга эга. Негаки, ана шу улуг неъмат туфайли ҳар бир халқ ўз ривожланиш йўлини танлайди, ўз тақдирини ўзи белгилайди, улкан марралар сари дадил интилади. Шу боис, бутун халқимиз Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган кунни катта шодийна, тантана билан нишонлайди.

Шоядки, бугун мана шу муқаддас сана, яъни мустақиллигимизнинг 31 йиллигини ҳам катта зафарлар ҳамда улугвор режалар билан қарши олмақдамиз. Шубҳасиз, шу йиллар Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичига мустаҳкам тамал тоши қўйилган ва шу йўлда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилган давр сифатида шонли тарихимиздан муносиб ўрин олади. Нега деганда, сўнгги 5-6 йилда қанчалик қийин бўлмасин, барча жабҳада йиллар давомида йиғилиб қолган муаммо ва камчиликлар юзга чиқарилди, уларни ҳал этиш бўйича жуда кенг кўламли ислохотлар бошлаб юборилди. Давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати, халқимизнинг бунёдкорлиги эвазига тарих учун қисқа бир даврда барча соҳаларда, энг муҳими, одамлар ҳаётида мана шу ислохотларнинг амалий натижалари намоён бўла бошлади.

Кишилиқ жамиятида нимаики қилинар экан, аввало, инсон манфаатлари учун қилиниши,

“Халқ давлатга эмас, давлат халққа хизмат қилиши керак”, деган тамойил тўлақонли равишда давлат ва жамият ҳаётига чуқур сингиб кетди, олтин қондага айланди. Албатта, эришилаётган катта-катта ютуқлар ҳақида соатлаб гапириш мумкин, лекин бутун дунёда кескин рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора авжига чиқиб бораётган бир даврда юртимизда бир маромдаги, барқарор ривожланишни таъминлаш, тинчлик-осойишталикни сақлаш ҳамда прагматик, очиқ ташқи сиёсатни самарали йўлга қўйишнинг ўзи бўлаётгани йўқ. Буни ҳар бир юртдошимиз чуқур англаб етиши зарур. Давлатимиз раҳбарининг, аввало, халқимиз манфаатларини ўйлаб юритаётган адолатли, халқчил сиёсати, юртдошларимизнинг биргаликдаги шарофли меҳнати орқали мана шу ютуқларга эришмоқдамиз.

▶ Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

ХУСУСИЙ МУЛК —

Ер ва хусусий мулк кафолатлари барча замонларда ҳам долзарб бўлиб келган. Ўзига тегишли бўлган ер-мулкка ўзи эгалик қила олмаган, исталган вақтда давлат тасарруфига ўтказиб юборилишидан азият чеккан инсонлар аҳолига яқин йилларга ачиринишдан нарига ўта олмасдик. Аммо Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг энг аввалида ерларни хусусийлаштириш, мулк дахлсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратила бошланди. Бу борада қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинган, бугун инсонларнинг ўз ери ва хусусий мулки олиб қўйилиши билан боғлиқ кўрқувлари йўқолган.

ДАХЛСИЗ ХУДУД



Рустам ПАЙЗИЕВ, Кадастр агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи

Тизимдаги ислохотлар, айниқса, тадбиркорларга қулайлик яратмоқда. Кичик ёки ўрта бизнесни ташкил этаётган ишбилармоннинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқи кафолатлансагина, хотиржам ишлаш олади. Жорий йилнинг 22 август кўни давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан ўтказилган очик мулоқотда бу масалага алоҳида тўхталиб, янги тақрифлар билдирган эди. Шу асосда 24 август кўни "Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкни муносабатларга асосис аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, бундан буён ер ва мулк ажратилиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш фақат ва фақат суд тартибда амалга оширилади. Яъни эндиликда мулкка бўлган ҳуқуқни уни вуҷудга келтирган ҳужжатни бекор қилиш орқали тугатиш мумкин эмас. Агар ҳужжат ноқонуний қабул қилинган бўлса, фақат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Шунингдек, ердан иштироки воз кечиши ҳуқуқат ёки ҳокимлик қарорлари билан расмийлаштириш ҳам бекор қилинмоқда.

Тадбиркор учун ҳам, оддий фуқаролар учун ҳам ер — энг катта хусусий мулк ҳисобланади. Мамлакатимизда 2021 йил 15 ноябрда "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонун қабул қилинган эди. Жараён яқинда бошланганига қарамадан, ҳозирги кунгача 10 мингга яқин мурожаат келиб тушди. Демак, юрдошларимизда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга бўлган эҳтиёж юқори.

Очиқ ва шаффоф тизим

Кадастр соҳасида 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлаб келаман. Шу йиллар давомида тизимда кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Аммо охириги 6 йилдагина чин маънода инсон қадрини ҳисобга олган янгиланишларга бой даврни кузатыпмиз. Дастлабки 2017–2019 йиллар давомида соҳада халқаро тажрибани ўрганишга бағишланган фаол давр кечган бўлса, ҳозир ана шу ўрганилган тажриба ва кўникмалар аста-секинлик билан қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиш йўли билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Биргина ер соҳасидаги ислохотларни олайлик. Ерларни бизнесга ажратишда фақат аукцион савдолари орқали бериш, давлат мулки бўлиб келган ерларни хусусийлаштиришга йўл қўйилиши ёки аукцион орқали мулк этиб сотилиши ривожланган давлатларда ўнлаб йиллар давомида эришилган натижа бўлса, бизда қисқа фурсатларда амалга ошириляпти.

Тошкент вилоятида биринчилардан бўлиб Ангрэн шаҳридаги 1000 квадрат метрдан ортиқ майдон хусусийлаштирилиб, Пискент туманидаги 0,2 гектар ер участкаси аукционда мулк ҳуқуқи асосида сотилгани ҳамон ёдимда. Шундан сўнг бу ишлар янада фаоллашди. Жорий йилнинг ўзида вилоятда 206,2 гектар ер майдони аукцион савдоларига чиқарилиб, харидорларга сотилди.

Ер майдонларини аукционга қўйиб, онлайн харидларни амалга ошириш жараёнларини бундан 6–7 йил олдин хориж давлатларида қўриб, ҳавас қилган эдик. Бугун эса ҳар биримиз ана шу жараёнларнинг иштирокис бўлиш имкониятига эгамиз. Қолаверса, бугунги замонавий технологиялар, фаол рақамлаштириш электрон хизматлар турини оширмоқда. Ҳозир мамлакатимиздаги ер майдонлари чегараларини аниқлашдан тортиб, деҳқон ёки фермер ўз ерининг чегарасини очик порталда онлайн кўришига — бари инновацион қулайликларнинг бир кўринишидир.

ЕВРОПАДАГИ ХИЗМАТ САФАРЛАРИМИЗНИНГ БИРИДА МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОРДАН ШАҲАР МЭРИНИ ТАНИЙСИЗМИ, ДЕБ СЎРАГАНИМИЗДА, ТАНИМАСЛИГИ, ҲАТТО, У ИНСОННИ КЎРМАГАНИНИ АЙТГАН. БУ УНИНГ ШАҲАР МЭРИ БИЛАН ҚИЗИҚАНИДАН ЭМАС, БАЛКИ МАМЛАКАТДА ТАДБИРКОРЛАР БАРЧА САВОЛЛАРИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ЖАВОБ ОЛИШЛАРИДАН ЭДИ. УЛАРГА БЕРИЛАДИГАН БАРЧА ИМТИЁЗ ВА ИМКОНияТЛАР ҲАМ ҚОНУН БИЛАН МУСТАҲҚАМЛАНГАНИ ВА ИСТАЛГАН ВАҚТДА ОНЛАЙН ХИЗМАТЛАР КЎРИНИШИДА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ҲОКИМИЯТ ЭШИГИНИ ҚИДИРИБ БОРИШГА ЗАРУРАТ ҚОЛДИРМАЙДИ.

Барча маълумотлар "Аргис"га жойланади

Европадаги хизмат сафарларимизнинг бирида маҳаллий тадбиркордан шаҳар мэрини танийсизми, деб сўраганимизда, танимаслиги, ҳатто, у инсонни кўрмаганини айтган. Бу унинг шаҳар мэри билан қизикмаганидан эмас, балки мамлакатда тадбиркорлар барча саволларига давлат хизматларининг электрон тизими орқали жавоб олишларидан эди. Уларга бериладиган барча имтиёз ва имкониятлар ҳам қонун билан мустаҳқамлангани ва исталган вақтда онлайн хизматлар кўринишида тақдим этилиши ҳокимият эшигини қидириб боришга зарурат қолдирмайди.

Биз ҳам ана шундай тизимни ҳавас қилгандик. Аста-секин бунга етиб боряпмиз. Халқимиз аллақачон барча соҳалар қатори кадастр тизимига ҳам электрон хизматлардан фойдаланяпти. Онлайн платформалар орқали ер харид қилаётган фуқаролар сони ортиб борапти.

Ерларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳам замонавий усул ва технологиялар асосида амалга оширилмоқда. Аввалгидек ҳар қарич ерни жойида ўлчаб, қўғозларда қайд этиш ҳозир ўзини сира оқламайди. Бугун ер майдонларини ўзи учар қурilmalar ўлчаб, электрон тизимлар рўйхатга олади.

Тошкент вилоятида Жаҳон банки иштирокида амалга оширилаётган "Кўчмас мулк ва кадастр тизимини рўйхатга олиш тизимини модернизация қилиш" лойиҳаси ҳам бунинг яқол мисоли. Бунда

қишлоқ хўжалиги йўналишидаги ерлардан фойдаланувчиларнинг ер майдонлари махсус ишлаб чиқилган "mulk.kadast.uz" ахборот тизими орқали рўйхатдан ўтказилмоқда.

Лойиҳа 2016–2022 йилларга мўлжалланган бўлиб, бугунги кунга қадр вилоятдаги жами 6 минг 738 та фермер хўжалигининг 337 минг 631 гектар ер майдонлари ҳақидаги график маълумотлар "Аргис" дастурига киритилиб, давлат рўйхатидан ўтказилишига эришилди. Бундан ташқари, вилоятдаги барча ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар тасарруфидеги ерларнинг умумий балансини шакллантиришга муваффақ бўлдик. Унга қўра, вилоятнинг умумий ер майдони 1,5 миллион гектар бўлиб, шундан 768 минг 30 гектари қишлоқ хўжалиги максдаларида фойдаланиб келинмоқда.

Лойиҳада асосий вазифани "Аргис" дастури бажаради. У географик маълумотларни тўплаш, тартибга солиш, бошқариш, таҳлил қилиш, алмашиш ва тарқатиш имконини берувчи тўлиқ тизимдир. Ушбу тизим кадастр қайдлари, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги геофазовий, кадастр ва рўйхатдан ўтказиш маълумотларини яратиш, янгилаш ва бошқариш учун мўлжалланган.

Ҳозирги вақтда кўчмас мулк объектларини рўйхатга олиш ишлари гибрид усулда олиб борилинмоқда. Яъни дастлаб кўчмас мулк объекти жойлашган ҳудуд мутахассислар томонидан ҳатловдан ўтказилиб, тегишли маълумотлар тўпланганидан сўнг, камерал шароитда ушбу маълумотлар тизимга юкланяпти.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАБУСЛАРИ — АМАЛДА

ОДАМЛАРНИНГ ОФИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ маҳалладаги ҳоким ёрдамчисининг асосий маслағи ва вазифаси

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилганига унча кўп бўлгани йўқ. Янги вазифа эгалари қисқа вақтда ҳудудларда кўчма-кўча, хонадонма-хонадон юриб, аҳоли турмушини енгилаштириш, йиллар давомида тўплаган қолган масалаларни ўрганиб, ҳал этишга кўмаклашиш, қисқаси, халқимизни рози қилиш йўлида муайян натижаларга эришди. Улар ўз маҳалласида тадбиркорликни ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб иш ўрни яратиш орқали камбағалликни қисқартириш ва оилалар даромадини кўпайтириш йўлида ҳаракат қилмоқда. Энг муҳими, ҳар бири ўз маҳалласининг оғриқли нуқталарига мос ечимларни ишлаб чиқмоқда. Бунга биргина Кармана туманидаги "Малик" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Азиз Сувонов фаолияти мисолида гувоҳ бўлиш мумкин.



бир қисмини ғамлаб, ортинги бозорга чиқариб сотишга ҳам улгурди. Гулбиби Ражабова нафақага чиққач, ташландиқ ерни ўзлаштириб, обод қилди. Ҳоким ёрдамчиси кўмағи билан 270 туп мевали ва манзарали дарахт кўча-тички, боғ барпо этди. Ердан унумли фойдаланган боғдон дарахтлар орасига помидор, бодринг, бўлгур қалампирни ниҳолини қадаб чиқди. Ҳозир Гулбиби опанинг боғидеги кўчатлар ҳосил тутиб, ниҳона кўрсатган.

Бугун маҳаллада иссиқхоначилик, паррандачилик, чорвачилик, деҳқончилик, узумчилик орқали ўзини ўзи банд қилган фуқаролар кўп. — Иссиқхонамиз қаровсиз ётганди. Ҳоким ёрдамчиси февраль ойида келиб шароитимизни ўрганди. Иссиқхона-ни юритишга пулимиз етарли эмаслиги, шароитимиз йўқлиги, турмуш ўртоғим чет элга ишга кетганини айтдим, — дейди Шаҳноза Бобоева. — У иссиқхона юритишга ердан берсам, ишлайсизми, деб сўради. Албатта, дедим бир оз иккиланиб. У ваъдасининг устидан чиқди, иссиқхонамни қайтадан тиклаб, экин экишимда бош-қош бўлди. Иссиқхонамизга 1100 туп помидор кўчатини текин олиб келиб берди. Мана, туманимиз марказида жойлашган деҳқон бозориде помидор

— Маҳалламиз далаларида деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланиш учун шароит бор, — дейди Нуриддин Эргашев. — Қолаверса, деҳқончилик ота-бобомиздан мерос. Ер билан тиллашиш қон-қонимизга сингиб кетган. Маҳалламиз чўл ҳудудиде жойлашгани учун ер майдони аҳоли сонига нисбатан кўп. Шунинг учун менга ўхшаган ишсиз ёшларга уйимизга яқин жойдан 50 сотихдан ер ажратиб берилгани яхши иш бўлди. Бу ер бизга 10 йилга берилди. Имтиёзли томониям бор — 3 йилгача ер солиғидан озодим. Менга ажратилган ер майдонига апрель ойида лавлага эқдим. Ҳозирча уруғ бехато униб, лавлага барқ уриб ёсяпти. Илгари ижарага олган еримга қовун-тарвуз экардим. Биринчи марта эганим учун муваххасилардан лавлага

— Маҳалламиз далаларида деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланиш учун шароит бор, — дейди Нуриддин Эргашев. — Қолаверса, деҳқончилик ота-бобомиздан мерос. Ер билан тиллашиш қон-қонимизга сингиб кетган. Маҳалламиз чўл ҳудудиде жойлашгани учун ер майдони аҳоли сонига нисбатан кўп. Шунинг учун менга ўхшаган ишсиз ёшларга уйимизга яқин жойдан 50 сотихдан ер ажратиб берилгани яхши иш бўлди. Бу ер бизга 10 йилга берилди. Имтиёзли томониям бор — 3 йилгача ер солиғидан озодим. Менга ажратилган ер майдонига апрель ойида лавлага эқдим. Ҳозирча уруғ бехато униб, лавлага барқ уриб ёсяпти. Илгари ижарага олган еримга қовун-тарвуз экардим. Биринчи марта эганим учун муваххасилардан лавлага

— Маҳалламиз далаларида деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланиш учун шароит бор, — дейди Нуриддин Эргашев. — Қолаверса, деҳқончилик ота-бобомиздан мерос. Ер билан тиллашиш қон-қонимизга сингиб кетган. Маҳалламиз чўл ҳудудиде жойлашгани учун ер майдони аҳоли сонига нисбатан кўп. Шунинг учун менга ўхшаган ишсиз ёшларга уйимизга яқин жойдан 50 сотихдан ер ажратиб берилгани яхши иш бўлди. Бу ер бизга 10 йилга берилди. Имтиёзли томониям бор — 3 йилгача ер солиғидан озодим. Менга ажратилган ер майдонига апрель ойида лавлага эқдим. Ҳозирча уруғ бехато униб, лавлага барқ уриб ёсяпти. Илгари ижарага олган еримга қовун-тарвуз экардим. Биринчи марта эганим учун муваххасилардан лавлага

— Маҳалламиз далаларида деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланиш учун шароит бор, — дейди Нуриддин Эргашев. — Қолаверса, деҳқончилик ота-бобомиздан мерос. Ер билан тиллашиш қон-қонимизга сингиб кетган. Маҳалламиз чўл ҳудудиде жойлашгани учун ер майдони аҳоли сонига нисбатан кўп. Шунинг учун менга ўхшаган ишсиз ёшларга уйимизга яқин жойдан 50 сотихдан ер ажратиб берилгани яхши иш бўлди. Бу ер бизга 10 йилга берилди. Имтиёзли томониям бор — 3 йилгача ер солиғидан озодим. Менга ажратилган ер майдонига апрель ойида лавлага эқдим. Ҳозирча уруғ бехато униб, лавлага барқ уриб ёсяпти. Илгари ижарага олган еримга қовун-тарвуз экардим. Биринчи марта эганим учун муваххасилардан лавлага

— Маҳалламиз далаларида деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланиш учун шароит бор, — дейди Нуриддин Эргашев. — Қолаверса, деҳқончилик ота-бобомиздан мерос. Ер билан тиллашиш қон-қонимизга сингиб кетган. Маҳалламиз чўл ҳудудиде жойлашгани учун ер майдони аҳоли сонига нисбатан кўп. Шунинг учун менга ўхшаган ишсиз ёшларга уйимизга яқин жойдан 50 сотихдан ер ажратиб берилгани яхши иш бўлди. Бу ер бизга 10 йилга берилди. Имтиёзли томониям бор — 3 йилгача ер солиғидан озодим. Менга ажратилган ер майдонига апрель ойида лавлага эқдим. Ҳозирча уруғ бехато униб, лавлага барқ уриб ёсяпти. Илгари ижарага олган еримга қовун-тарвуз экардим. Биринчи марта эганим учун муваххасилардан лавлага

— Маҳалламиз далаларида деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланиш учун шароит бор, — дейди Нуриддин Эргашев. — Қолаверса, деҳқончилик ота-бобомиздан мерос. Ер билан тиллашиш қон-қонимизга сингиб кетган. Маҳалламиз чўл ҳудудиде жойлашгани учун ер майдони аҳоли сонига нисбатан кўп. Шунинг учун менга ўхшаган ишсиз ёшларга уйимизга яқин жойдан 50 сотихдан ер ажратиб берилгани яхши иш бўлди. Бу ер бизга 10 йилга берилди. Имтиёзли томониям бор — 3 йилгача ер солиғидан озодим. Менга ажратилган ер майдонига апрель ойида лавлага эқдим. Ҳозирча уруғ бехато униб, лавлага барқ уриб ёсяпти. Илгари ижарага олган еримга қовун-тарвуз экардим. Биринчи марта эганим учун муваххасилардан лавлага


Афзалликлари нимада?

Электрон тизимнинг афзалликлари бисёр. Хусусан, "Аргис" дастури тез-тез янгиланган бўлиши қулайликларни амалга ошириш имконини беради. Қолаверса, тизим жуда кўп графикали ва мавзули маълумотлар базасига эга, модели ва хизмат функциялари билан бирлашган, фазовий маълумотларни картографик шаклга айлантириш, турли хулосалар чиқариш ва мониторинг ишларини амалга ошириш имконини қулайликлар билан бойитилган. Тизим иш жараёнида қўлда бажариб бўлмаган аниқликни таъминлайди. Исталган вақтда картага ўзгаришлар киритиш, янги мазмун ва бўёқ бериш, диаграмма ва маълумотларни киритиш, ўчириш ҳамда бошқа ишларни бажариш осон.

Умуман, ҳозирги даврда тезкор ахборотларни қабул қилиш, уларнинг долзарблигини кўрсатиш фақатгина автоматлаштирилган тизим кафолатлаши мумкин. Мазкур шаффоф тизим қонун-бузарликларнинг олдини олиб, аҳолига тезкор кадастр хизматларини кўрсатишга ҳам йўл очади. Ер ва кўчмас мулк объектларининг бир тизимда жамланиши эса барча соҳаларда маълумот алмашиши жараёнларини енгилаштириб, иш сифатини оширишга хизмат қилади.

Шу боис, юқоридеги лойиҳани фаол амалга ошириш орқали кадастр файллари ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар реестрларидаги маълумотларни қўғоздан электрон шаклга тўлиқ ўтириш, "Электрон ҳуқуқат" тизимининг базавий майдон-часида кўчмас мулк объектлари бўйича маълумотлар базасини яратиш, соҳада жаҳон даражасига чиқиш ҳамда "Doing Business" тадқиқотида Ўзбекистон рейтингини ошириш қабул қилинган. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг кафолатлини нафақат маҳаллий, балки хорижлик ишбилармонларда ҳам ишонч уюштириб, кўпроқ сармоа киритишларига омил бўлади.

Юқоридеги фармон эса хусусий мулк соҳасида аҳоли учун янги қулайликлар беради. 2023 йил 1 январдан Кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими — UZKAD кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри ва унга оид маълумотлар юритилади, маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги давлат томонидан кафолатланмаган ягона ахборот тизими сифатида қабул қилинади.




Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Раиси

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисидаги қарориди таъкидланганидек, халқнинг улкан жасорати ва матонати билан 1991 йил 31 августда қўлга киритилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиздаги ҳеч қачон унутилмайдиган, қадр-қиммати ва аҳамияти йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора ортиб борадиган буюқ тарихий воқеадир. Шундан келиб чиқиб, истиқлолнинг қадри қиммати ва аҳамияти ни мада эканини, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш доимий вазифамиз бўлиб қолмоғи керак.

Негаки, юртимизда кечаётган демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни таъсирчан усулларда ифодалаш, турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, жамиятда тинч-осойишта ҳаётни таъминлаш борасидаги ишлар мазмун-моҳиятидан бохабарлик юртдошларимизда дахлдорлик туйғусини юксалтириши, уларни янада улкан мақсадлар сари руҳлантириши.

“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган бош ғоя асосида барча ҳудудларда ташкил



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ” ДЕГАН БОШ ҒОЯ АСОСИДА БАРЧА ҲУДУДЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРДА ПАРЛАМЕНТИМИЗ АЪЗОЛАРИ, ЖУМЛАДАН, СЕНАТОРЛАРИМИЗ ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА. БЎЛИБ ЎТАЁТГАН ТУРЛИ УЧРАШУВЛАР, ДАВРА СУХБАТЛАРИ ВА БОШҚА ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРДА УЛАР ОДАТДАГИ МАЪРУЗАБОЗЛИКДАН ҚОЧИБ, ЯНГИ, ТАЪСИРЧАН УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ТАРЗДА АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТГА КИРИШМОҚДА.

этилаётган маънавий-маърифий, маданий тадбирларда парламентимиз аъзолари, жумладан, сенаторларимиз ҳам фаол иштирок этмоқда. Бўлиб ўтаётган турли учрашувлар, давра суҳбатлари ва бошқа оммавий тадбирларда улар одатдаги маърузабозликдан қочиб, янги, таъсирчан усуллардан фойдаланган тарзда аҳоли билан мулоқотга киришмоқда. Ёшлар парламенти аъзолари ўзлари алоҳида чора-тадбирлар режасини тузиб, ўз тенгқурлари, ўқувчи-талабалар, маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар ўртасида уларга доимий эътибор ва ғамхўрлик юрсатишга қаратилган давлат дастурларининг ижобий натижаларини, имкониятларини ҳаётини ҳаётини орқали кенг тунувтирмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳасини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнлари жадал давом этаётган бир даврда ҳокимиятнинг халқ сайлаган вакиллик органлари — парламент, хусусан, Сенат ҳамда маҳаллий кенгашларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Давлат бошқаруви органлари ваколатида бўлган қатор назорат функциялари унга ўтказилди, янги кўмиталар ташкил этилди. Долзарб ижтимоий-иқтисодий соҳа ва йўналишлар, хусусан, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар, туризм, коррупцияга қарши курашиш, соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқлари ва гендер тенглик, ёшлар, Оролбўйи минтақасини ривожлантириш, маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорлик бўйича алоҳида ваколатлар белгиланиб, Сенат

ришга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари такомиллашди. Қонун ҳужжати лойиҳаси Сенатга киритилгач, тегишли кўмиталар томонидан етук мутахассислар ва тажрибали экспертларни жалб этган ҳолда бафуржа кўриб чиқилмоқда, ҳолис ҳулосалар берилмоқда. Мамлакатимизда жадал давом этаётган кенг қўламли ислохотлар кўлаб соҳаларга доир мавжуд қонунчилик базасини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Табиийки, шундай бир вазиятда қонунларнинг сонига эмас, сифатида жиддий эътибор қаратиш муҳим саналади. Мазкур талабдан келиб чиққан ҳолда, 2017–2021 йиллар давомида 341 та қонун Сенат ялпи мажлисларида муҳокама қилинди. Ваҳоланки, 2010–2016 йилларда, яъни шунча муддатда 179 та қонун муҳокамаи ўтказилган.

Шунингдек, амалдаги қонунлар ижро ҳолатини мониторинг қилиш амалиёти йўлга қўйилиб, ўнаб қонунларни бугунги кун талаби асосида қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритилди. Парламент юқори палатаси кўмиталари ҳамда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан турли тармоқлар, айниқса, ижтимоий соҳага тааллуқли қонунлар мунтазам мониторинг қилиб бориляпти. Натижалар умумлаштирилиб, ҳукумат вакиллари иштирокида йилда икки марта кенг муҳокама қилинмоқда. Шу тарзда ўтган давр мобайнида 50 дан зиёд қонун тизимий таҳлилдан ўтказилиб, улардаги номувофиқликларни бартараф этиш, замон талабларига жавоб



“СЕНАТНИНГ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ ВАКОЛАТЛАРИ ҲАМ КЕНГАЙТИРИЛДИ. НАТИЖАДА ПАРЛАМЕНТ ВА ҲУКУМАТ ҲАМКОРЛИГИ КУЧАЙДИ. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ БАРЧА МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИ, ВАЗИРЛИК ВА ИДОРЛАР РАҲБАРЛАРИ, ҲОКИМЛАР, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАГИ ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА БОШҚА МУТАСАДДИЛАРИНИНГ ҲИСОБАТ ВА АХБОРОТЛАРИНИ МУНТАЗАМ ЭШИТИБ БОРИШ ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

бермайдиган нормаларни янгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ва ҳукуматга тақдим этилди.

Сенатнинг ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат ваколатлари ҳам кенгайтирилди. Натижада парламент ва ҳукумат ҳамкорлиги кучайди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча муҳим масалалари юзасидан ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ва бошқа мутасаддиларнинг ҳисобот ва ахборотларини мунтазам эшитиб бориш тизими йўлга қўйилди. Бу амалда қандай самара бераётгани барчага маълум.

Парламент сўрови институти фаол қўлланилаётгани бу борадаги яна бир ютуғимиз бўлди. Охириги икки йилда турли соҳалардаги долзарб масалалар юзасидан ҳукуматга 31 та, жумладан, шу йилнинг ўзида 5 та парламент сўрови юборилган ҳамда уларда кўтарилган масалаларнинг аксарияти ҳал этилган.

Парламент сўровига фақат назорат шакли сифатидагина эмас, балки унда кўтарилган муаммони ҳал қилишда ҳукумат билан амалий ҳамкорлик вазифаси сифатида ёндашилмоқда. Қолаверса, сенаторлар томонидан юборилаётган юзлаб сўровлар ҳудудлардаги муаммоларнинг самарали ечим топишига хизмат қилаяпти.

Ҳудудлар манфаатларини илгари суриш, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ масалалар устуворлигини таъминлаш учун маҳаллий кенгашларда қонунлар муҳокамасини ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилган. Депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар Сенатнинг маъсул кўмитаси томонидан кўриб чиқилиб, кўп ҳолларда қабул қилинмоқда.

Шу тарихда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари билан ҳамкорлик кучайтирилди. Бунинг учун ўндан зиёд қонунга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, маҳаллий кенгашлар ваколати кенгайтирилди, уларда доимий фаолият юритувчи алоҳида котибиятлар ташкил этилди. Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудлардаги маҳаллий кенгашларга бириктирилиб, улардаги доимий комиссиялар иши Сенат кўмиталари фаолияти билан уйғунлаштирилди. Доимий комиссиялар раислари ва котибиятлар вакиллари Сенат ялпи мажлисларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда

маҳаллий кенгашлар депутатлари учун махсус ўқувлар йўлга қўйилди.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, халқаро майдондаги нуфузини ошириш билан боғлиқ қатор муҳим йўналишларда ҳам Сенат зиммасига алоҳида масъулият юкланган. Хусусан, гендер тенгликни таъминлаш, одам савдоси, мажбурий меҳнат ҳамда коррупцияга қарши курашиш, халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш, барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш, хотин-қизларни қўлаб-қувватлаш бўйича ташкил этилган миллий комиссиялар ва кенгашлар фаолиятига Сенат Раиси раҳбарлик қилмоқда.

Сенат хизматлари соҳасини ривожлантириш орқали ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш, 2020–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, олий даражадаги таърифлар натижасида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, жумладан, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши каби муҳим йўналишларда ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Бугун айрим давлатлар ўртасида қарама-қаршилик, миллий ва диний зиддиятлар авжида чиқиб бораётган бир даврда халқ дипломатияси ҳар қачонгидан кўра, муҳим аҳамият касб этади. Парламентлараро йўлга қўйилган ҳамкорлигимизнинг асосий йўналишларидан бири ҳам дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, инсонпарварлик ғояларини мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатлар ва халқлар ўртасида дўстона муносабатни кенгайтиришдан иборат.

Жумладан, Парламентлараро иттифоқ, МДҲ парламентлараро ассамблеяси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеяси каби халқаро тузилмалар билан ҳамкорлигимиз мустаҳкамланди. Улар билан биргаликда қатор халқаро форум ва анжуманлар ўтказилди. Бухоро шаҳрида ўтказилган “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик” ҳамда Самарқанд шаҳрида кенг жамоатчилик ва дин арбоблари иштирокида ташкил этилган “Миллатлараро тотувлик ва динлараро барикенгликни таъминлашда парламентнинг роли” каби мавзулардаги ийрик халқаро форумларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўтган йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти тузилди. Унга илк раислик қилган Ўзбекистон томонидан мулоқот доирасида 10 дан ортиқ тадбир ўтказилиб, 8 та яқиний ҳужжат қабул қилинди. Уларда минтақа аёлларининг давлат бошқаруви, превентив дипломатия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тадбиркорлик ва бизнес, маданият, таълим, фан, санъат, гендер тенглик, умуман, барқарор ривожланиш соҳаларида ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар қамраб олинган.

Халқаро алоқаларимиз ҳақида сўз борганда, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган 25 та парламентлараро гуруҳ ва 2 та комиссия фаолияти йўлга қўйилганини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

“ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ИНСТИТУТИ ФАОЛ ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАНИ БУ БОРАДАГИ ЯНА БИР ЮТУҒИМИЗ БЎЛДИ. ОХИРГИ ИККИ ЙИЛДА ТУРЛИ СОҲАЛАРДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ҲУКУМАТГА 31 ТА, ЖУМЛАДАН, ШУ ЙИЛНИНГ ЎЗИДА 5 ТА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИЛГАН ҲАМДА УЛАРДА КЎТАРИЛГАН МАСАЛАЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ҲАЛ ЭТИЛГАН.

Хусусан, Россия Федерал Мажлиси билан парламентлараро кўшма комиссия фаолияти қайта тикланди, АҚШ Конгрессига Ўзбекистон билан дўстлик гуруҳи тузилди. Туркий тили давлатлар парламент ассамблеяси ва бошқа шу каби нуфузли халқаро парламент тузилмалари билан ҳам ҳамкорлик алоқаларимиз кенгайиб бормоқда.

Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хотин-қизлар форумида ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро муносабатларни кенгайтиришда хотин-қизлар салоҳиятини тўлиқ сафарбар этиш, ШҲТ маконида инсонпарварлик ғояларини мустаҳкамлаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни янада фаоллаштиришга қаратилган кўшма комиссия қабул қилинди.

Ўтган йили Парламентлараро иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарларининг Венада бўлиб ўтган саммитида мазкур форматдаги навбатдаги 14-саммитни Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисида келишувга эришилган эди. Ушбу халқаро анжуманнинг илк бор МДҲ ҳудудида, айнан юртимизда ўтказилаётгани ҳам мамлакатимизда парламентаризмини ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда жамиятни демократлаштириш борасидаги ислохотлар, уларнинг амалий натижалари жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилаётганига ёрқин мисол бўла олади. Жорий йил сентябрь ойда “Парламентнинг етакчи роли: янада самарали барқарорлик ва фаровонликни таъминлашда хавф-хатарни баҳолаш” мавзусида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган халқаро тадбирда дунёда юзага келган бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда энг долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Сўнгги йилларда халқимиз Янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улкан марралар сари дадил одимламоқда. Турли ҳудудларда қурилаётган йирик иншоотлар, қад ростлаётган муаззам иморатлар Ўзбекистоннинг нақадар юксакликка интилаётганини, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти нақадар буюклигини намоян этмоқда.

Яқинда Самарқанд шаҳрида давлатимиз раҳбарининг вевосита ғояси ва ташаббуси билан бунёд этилган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросимида иштирок этган, уни оммавий ахборот воситалари орқали томоша қилган миллионлаб юртдошларимиз қалбиди фахр-ифтихор туйғулари янада юксалди.

“Боқий шаҳар” мажмуаси, унинг теварагидаги катта майдонни эгаллаган, энг замонавий талабларга жавоб берадиган кўркем бинолар, Улуғбек астрономия мактаби вакилларининг тадқиқотлари натижаси бўлган буюк мерос — “Зижи жадиди Қўрагоний” тимсолидаги кўркем амфитеатр, қадимий Самарқанднинг бетакрор қиёфасини гавдалантирган обидалар, муаззам туризм маркази, Соҳибқирон Амир Темуру боимиз номидидаги меҳмонхона, янги “Samargand city” манзаралари ҳар қандай кишини ҳайратлантиради, ҳаяжонга солади. Шубҳасиз, буларнинг бари яна ўз мавқеига қайтаётган, халқимизнинг буюқ тарихи ҳамда бугунги фаровон замонни ўзида уйғунлаштирган Самарқанд дунёдаги энг қадимий, энг гўзал ва обод шаҳар, “Ер юзининг сайқали” сифатида ўз ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президентимиз бу каби лойиҳаларни Бухоро шаҳрида, юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга ошириш режалаштирилаётганини алоҳида таъкидлади. Зотан, бунёд этилаётган мана шундай улғув обидалар, осмонлар бинолар ҳамда аҳоли учун барча қўлайликларга эга “Янги Ўзбекистон” массивлари ватандошларимиз қалбиди фахр-ифтихор туйғуларни юксалтириш, инсон қадрини улуғлаш каби эзгу ғояларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодасидир.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



Шахзод ҒАФФОРОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Мамлакатимизда sanoat sohasida mahalliy va xorijiy tadbirkorlar uchun yaratiladigan qulay biznes muhiti, sharoit va imtiyozlar ishlab chiqarishni rivojlantirish, import urinini bosuvchi mahsulotlar tayirlash imkonini bermoqda.

Яқинда Чирчиқ шаҳрида иш бошлаган "Чирчиқ" кимё-индустриал технопарки пойтахт вилоятида қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, минерал хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардosh маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун юқори технологияли, замонавий объектларни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратиши билан аҳамиятли.

Татаристон Республикаси раҳбари Рустам Миннихоновнинг 2021 йил 16-17 июнь кунлари мамлакатимизга ташрифи чоғида Қозон шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Химгард" технополиси мисолида Тошкент вилоятида "Чирчиқ" кимё-индустриал технопаркин ташкил этиш бўйича келишувга эришилган эди.

Президентимизнинг 2022 йил 3 февралдаги "Тошкент вилоятида "Чирчиқ"

КИМЁ-САНОАТИДАГИ ЙИРИК ЛОЙИҲА

кимё-индустриал технопаркин ташкил этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ "Химгард" АЖ билан ҳамкорликда "Чирчиқ" кимё-индустриал технопаркига асос солинди.

Шу йилнинг 23 март куни мазкур технопаркнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Чирчиқ шаҳрида фойдаланилмай турган буш бинолар негизда ташкил қилинган технопаркнинг умумий майдони 31,2 гектар бўлиб, 3 та алоҳида майдондан иборат. Тасдиқланган беш режага асосан ҳудудда жами 12 та ишлаб чиқариш ва 4 та омбор учун бинолар барпо этилади.

Бугунги кунда мазкур майдонларда қурилиш-монтаж ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Хусусан, 4 та ишлаб чиқариш биносига қурилиш-монтаж ишлари якунланди. Яна 4 тасида ана шу жараён олиб борилаётган бўлса, қолган иншоотларда демонтаж ва қурилиш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, хоржий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда инвесторлар томонидан технопаркка қизиқиш олиб борапти. Жумладан, қурилиш ишлари давом этаётганига қарамай, буюртмалар

келиши бошланди. Шулардан 6 та лойиҳа бўйича резидент мақомини бериш тўғрисида технопарк маъмурий кенгаши қарори қабул қилинди. Яна 8 та лойиҳа маъмурий кенгашига киритилиш арасида. Айни пайтгача Россия, Германия, Жанубий Корея, Туркия, Эрон каби давлатлар корхоналари технопаркда фаолият кўрсатиш бўйича қизиқиш билдирди.

Бугунги кунда "Чирчиқ" технопаркда Россиянинг термоластопласт маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи "ВР Пласт", қишлоқ хўжалиги экинларини муҳофаза қилиш ва озиклантириш учун микробиологик препаратлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Бионаватик", "Adblue" бренди остида дизель двигателлари катализатори ишлаб чиқарувчи "Химический завод Оргсинтез", биологик фаол қўшимчалар ва ортопедик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи "Natural health", гўзапоядан қоғоз целлюлозаси ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Kakand paper factory" лойиҳалари ишга тушиш арасида.

Шунингдек, қўпиртилган полипропилен ҳамда ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган "Rhodium Polymer" Жанубий Корея — Ўзбекистон, термо-

66 **ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2022 ЙИЛ 3 ФЕВРАЛДАГИ "ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА "ЧИРЧИҚ" КИМЁ-ИНДУСТРИАЛ ТЕХНОПАРКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ "ХИМГАРД" АЖ БИЛАН ХАМКОРЛИКДА "ЧИРЧИҚ" КИМЁ-ИНДУСТРИАЛ ТЕХНОПАРКИГА АСОС СОЛИНДИ.**



ластопласт кислотга чидамли сигимлар ишлаб чиқарадиган "Deutsche IT AGMK" Германия — Ўзбекистон қўшма корхоналари ҳам технопаркда фаолият кўрсатишни бошлайди.

— Мамлакатимизда ўз фаолиятини йўлга қўйишга қизиқиш билдирган инвесторлар ҳамда ўз маҳсулотини олиб келаётган хоржий ишлаб чиқарувчилар учун технопаркда барча шaroit яратилган, — дейди "Чирчиқ" кимё-индустриал технопарки дирекцияси раҳбари Жаҳонгир Абдурахмонов. — Улар ер ажратиш, ишлаб чиқариш биносини қуриш, коммуникация тармоқларини тортиб келиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келмайди. Боиси, технопаркда барча шaroit яратилган. Хоржийлик тadbirkorлар коммуникация тармоқларига эга тайёр ишлаб чиқариш биносига ўз ускуналарини жойлаштиради, холос.

Башқарув компанияси томонидан эса "Ягона дарча" тамойили асосида тегишли ташкилотлардан рўхсатнома олиш, маркетинг, юридик, бухгалтерия хизматлари кўрсатилади. Инвестор давлат ташкилотларига бориб юрмайди, аксинча унга марказлашган ҳолда хизмат кўрсатилади.

Яна шуни айтиш жоизки, технопарк иштирокчиларига Тadbirkorлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жағфармаси томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида банк кредитлари суммасининг 50 фоизигача (8 миллиард сўмдан кўп бўлмаган) миқдорда кафиликлар ва фоиз харажатларини қоплаш учун миллий валютадаги кредитлар бўйича — Марказий банкнинг асосий ставкасида ошадиган (5 фоиз пунктдан кўп бўлмаган) миқдорда компенсациялар тақдим этилади.

Резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нафақат маҳаллий бозорга, балки кўшни давлатлар, Европа ва Жанубий Осиё мамлакатларига экспорт қилинади. Технопарк келаётган резидентлар ташқи бозордаги ўзларининг тайёр харидорлари билан бирга келмоқда ҳамда уларга Ўзбекистон орқали маҳсулот етказиб бериш режалаштирилган.

Технопарк кимё-индустриал sanoat майдони ҳисобланиб, асосан, кимё соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналари жойлаштириш кўзда тутилган. Бугунги замонавий технологиялар даврида кимё sanoati жуда кенг соҳа ҳисобланади. У қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари, автомобилсозлик sanoati, тўқимачилик, фармацевтика, маиший соҳалардаги бир қатор йўналишларни қамраб олади. Технопаркда мазкур соҳалар учун техник жиҳатдан тартибга солиш, экология ва атроф-муҳитни, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда sanoat хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ барча корхоналар ўз фаолиятини олиб бориши мумкин.

Бундан ташқари, технопарк ҳудудида тadbirkorларга ишлаб чиқаришдан ташқари офис майдонлари ҳам тақдим этилмоқда, яъни бу ерда замонавий офисларни ҳам жойлаштириш имконияти мавжуд. Бу йўналишда бугунги кунда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ва IT-парк билан ҳамкорликда ахборот технологиялари соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар учун ҳам майдонлар тақдим этилмоқда.

Яна бир гап. Технопарк тўлиқ ишга тушиши натижасида 2 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилади ва йилга 15 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинади.

Мухтасар айтганда, "Чирчиқ" кимё-индустриал технопаркда ишлаб чиқариш жараёнлари бошланish арасида. Технопаркнинг ишга тушиши мамлакатимиз sanoati ривожини, маҳаллий бозорни зарур кимё ва бошқа sanoat маҳсулотлари билан таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, хоржий инвестициялар оқимининг қўллаб-қувватлаш, пировардида, юртимиз иқтисодий тараққиётига хизмат қилади.

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ



ХОМАШЁ ЭМАС, ТАЙЁР МАҲСУЛОТ СОТИЛАДИ

Кенгаётган имконият

Фаргона вилоятидаги 13 та пахта-тўқимачилик кластери томонидан амалга оширилган истикболли лойиҳалар пахта хомашёсини тўлиқ қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот сифатида экспортга йўналтириш имкониятини бермоқда.

Қўшпа туманининг "Нурафшон" кичик sanoat зонасида "Fergana global textile" пахта-тўқимачилик кластери ташаббуси билан қуриладиган "Global textile infinity" тўқимачилик корхонаси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу ерда 115 миллион евро инвестиция эвазига юқори сифатли мато ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги корхона ишга туширилиб, 3 мингта янги иш ўрни яратилади. Йиллик экспорт ҳажми 65 миллион еврони ташкил этади. Янги корхона маҳаллий пахта толасини тўлиқ қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга бўлган жараённи қамраб олади.

Шу кунга қадар "Fergana global textile" саъй-ҳаракати билан Фаргона шаҳрида калава ип ишлаб чиқариш, мато тўқиш ва бўяш цехлари фаолиятини йўлга қўйилди. Бу ерда 18 минг тонна калава ип, 4 минг тонна бўялган мато ишлаб чиқариламоқда. Яқин истикболда тикувчилик цехи ҳам фаолият бошлайди.

— Президентимиз ташаббуси билан пахта етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот тайёрлашга бўлган барча жараёнларни қамраб олган пахтачилик кластерлари фаолиятга асос солиниши бу соҳада янги имкониятлар эшикларини очди, — дейди Фаргона вилоят қишлоқ

хўжалиги бошқармаси пахтачилик бўлими бошлиғи Ахроржон Иномов. — Эндиликда пахта хомашёсини экспортга буткул барҳам бериляпти. Вилоятимиздаги пахта-тўқимачилик кластерларида 310 минг 840 тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш асосида 138 минг 580 тонна тола, 52 минг 560 тонна ип калава, 21 минг 650 тонна мато, 12 минг 720 тонна матони бўяш, 1350 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари ишлаб турибди. Бу сўнгги чегара эмас. Айни кунда чигит экиш ва ҳосилни териш олиш, тола ажратиш, калава ип ишлаб чиқариш, бўяш ва мато тўқиш, тикув корхоналари ҳамда чорвачилик комплексларини қуриш борасида амалга оширилган истикболли лойиҳалар натижасида 10 минг 600 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Эътиборли жиҳати, пахтачилик кластерлари қисқа вақт ичда аграр соҳанинг "драйвери"га айланди. Пахта етиштириш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, ўтган йили 2020 йилга нисбатан 4 минг 169 тонна кўп пахта етиштирилди. Жорий йилда бу миқдор салмоғи ва сифатини янада кўпайтириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Дехқоннинг қадди тикланди

Яқин-яқингача "оқ олтин" етиштириш ва хомашё экспорти бўйича олдинги сафларда эканлигимиз билан фахрланардик, мақтанардик. Аслида эса минг машаққат билан етиштирилган ҳосил сув текинга бериб юборилган. Кўпмадан то кеч кузга қадар даладан келмаган дехқон мисқолаб терган пахтасини бирламчи қайта

ишлаш sanoatiga йўналтириш билан чекланган. Меҳнатга яраша даромад эса ҳаминқадар бўлган.

— Дехқончилик осон иш эмас. Яхши ҳосил олиш учун дехқон минг эгилиб, минг букилади. Ниҳолларга боласидек меҳр бериб, "папалайди". Вақтида суғоради, ўғитлайди, ишлов беради. Аммо етиштирилган ҳосили меҳнатига яраша даромад келтирмаса, ҳафсаласи пир бўлади. Дехқончиликдан кўнгли совийди, — дейди Ўзбекистон Қўрамони, "Патилахон" фермер хўжалиғи раҳбари Патилахон Эргашева. — Яқинда ўзбек пахтасига нисбатан бойкот бекор қилингани эшитиб роса қувондим. Энди дехқонларнинг ҳам елкасига офтоб тегиб, қадди тикланди. Ўзбек пахтасининг қадри дунё мискёсида юқори ўринларда турадиган бўлди. Халқимиз ризиқи, эл фаровонлиғи, юрт ободлиғи йўлида белни маҳкам боғлаб ишлаш вақти келди. Пахта етиштиришга давлат буюртмаси бекор қилингани ҳам яна катта марралар сари ундамоқда. Ўзимиз истаган нарҳда маҳсулотларимизни сота олишимиз мумкин. 2019 йилда бир тонна пахта учун давлатдан 4 миллион 647 минг сўм олган бўлсак, буюртма бекор қилинганда, "Реал транс" кластери билан тузилган шартнома кўра, пахтанинг бир тоннасини 5 миллион 371 минг сўмдан сотдик. Олинган даромадимиз фермер хўжалиғи аъзоларига тақсимланди. Жорий йилда 30,4 гектар ерга "Барака" нави уруғини қададик. Экинлар ривожини яхши. Мавсумда ҳар гектар ердан 50 центнердан ортиқ пахта ҳосили олишни кўзлаб турибмиз.

Ҳисоб-китобларга кўра, 1 килограмм пахта толаси хомашё сифатида сотилса, қиймати 1,5

АҚШ долларини ташкил этади. Агар ундан калава ип йиғирилса, 2,5–3 доллар, жинси матоси тўқилса, 5–7 долларгача қўшилади. Шундан жинси тикиб, тайёр маҳсулотга айлантисилса, 15–20 доллар қўшимча даромад олса бўлади.

Бир қараганда оддий арифметика. Аммо унинг замирида қанчадан-қанча иш ўрни, инфратузилма тармоқлари, қолаверса, юрт тараққиёти, эл фаровонлиғи мужассам эканлигини ҳис қилиш қийин эмас.

Янги имкониятлар

Фаргона туманидаги "Баҳодир Лоғон" пахта-тўқимачилик кластерига қарашли корхона йилга 10 минг тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Бу ерга Япония, Туркия, Германия, Швециядан келтирилган ускуналар ўрнатилиб, ип-калава ва мато ишлаб чиқариш, бўяш цехлари фаолиятини йўлга қўйилган. Бу биринчи босқич бўлиб, иккинчи босқичда тикувчилик тармоқларини ишга тушириш борасида иш олиб борилмоқда. Натижада 1 минг 800 та қўшимча иш ўрни яратилади, корхона экспорт салоҳияти 16 миллион доллардан ошади.

Бундан тўрт йил аввал вилоятда биринчи бўлиб ташкил этилган "Rus uzbek teks" пахта-тўқимачилик кластерида етиштирилган пахта тўлиқ қайта ишлаш асосида ички ва ташқи бозорга маҳсулот сотиш борасида янги имкониятлар ишга солинмоқда.

— Толадан калава ип ишлаб чиқариш, тўқиш, бўяш, тайёр маҳсулот яратиш, агрологистика ва чорвачилик комплексларини, сув тежайдиган технологияларни ташкил этиш, юқори унумли

қишлоқ хўжалиғи техникаларини харид қилиш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган, — дейди мазкур пахта-тўқимачилик кластер хўжалиғи директори Дилшод Ҳамдамов. — Шу мақсадда лойиҳа қиймати 161,7 миллиард сўм бўлган момиқ сочиқ ва газлама ишлаб чиқариш цехлари йил якунига қадар ишга туширилади. Шундан сўнг йилга 4 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 1000 та иш ўрни яратилади. Хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган ишлаб чиқариш занжирини яратиш, қўшилган қийматли рақобатбардosh тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш босқичларининг тўлиқ йўлга қўйилиши туфайли туман бюджетига 43 миллиард 637 миллион сўм қўшимча даромад келиб тушади.

Энди тола эмас, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар экспорти амалга оширилмоқда. Масалан, 2021 йили вилоятда 424,6 миллион АҚШ долларлик тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилиниб, умумий экспортнинг 53 фоизини ташкил этади. Бу 2020 йилга нисбатан 61,3 фоиз кўп. Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари таркибиде пахтадан йиғирилган ип, тайёр трикотаж ва тикувчилик кийимлари асосий улушини эгаллаган. Айни кунда бу йўналишда 184 турдаги тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Сирасини айтганда, ишлаб чиқаришга жорий этилаётган ҳаётбахш ислохотлар пахта толасининг умумий экспортдаги улушини сезиларли даражада камайитириш имкониятини берапти.

Расулжон КАМОЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ЯНГИ ДАВР НАФАСИ

МУСТАҚИЛЛИК — АВВАЛО, ҲУҚУҚ ДЕМАК



Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ

Бошланғич 1-бетда

Мустақиллик — аввало, ҳуқуқ демак. Зеро, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида қарор топган жамиятгина тараққиётга эришади. Шу боис, Янги Ўзбекистонни барпо этишда, биринчи навбатда, ана шундай қадриятларни қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий сектор фаолиятининг очиқлиги ва ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш амалиёти такомиллаштирилди.

Ўзбекистон тарихда илк бор БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021–2023 йиллар учун аъзо этиб сайланди. Бу ўз навбатида, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги кенг қўламли демократик ислохотларнинг ёрқин намунасидир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 100 га яқин халқаро ҳужжатга, жумладан, БМТнинг бир қатор асосий шартномалари ҳамда факультатив протоколларига қўшилган. Уларнинг ижроси юзасидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузалар тақдим этиб келмоқда.

Ҳар икки йилда халқаро экспертлар, хорижий ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ўтказиш йўлга қўйилди. БМТ ташкил этилгандан буён Осмё минтақасида биринчи марта ўтказилган маъруза форумда БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессиясининг асосий ҳужжатларидан бири сифатида тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Ўзбекистон парламенти инсон ҳуқуқларининг “Самарқанд руҳи”ни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлади. Тошкент шаҳрида Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг VI йиллик семинари ўтказилди ва унинг натижалари бўйича Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар қўрилди, Ўзбекистоннинг маъруза соҳадаги халқаро шартномавий нормаларини бажариши юзасидан асосий йўналишлари белгилаб олинди. Мамлакатда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилиниб, уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уни ҳимоялашнинг миллий механизмларини янада мустақамлаш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар Омбудсмени) ва Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес–Омбудсман) лавозимлари жорий қилинди.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ва Барқарор тараққиёт соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси, Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси каби парламент институтлари фаолияти йўлга қўйилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ билан бевоқифа мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, муаммоларини ижобий ҳал этишга қаратилган мутлақо янги тизим — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳалқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига “маҳаллалар кесимида ишлаш”, “халқ ичига кириш”, “аҳоли дардига қўлоқ солиш”, “одамлар ташвишига шерик бўлиш” ва “муаммоларни жойида ҳал этиш” тамойиллари жорий этилди.

Олий Мажлис палаталари томонидан инсон ҳуқуқларининг ҳолати тўғрисидаги маърузалар, инсон ҳуқуқларини таъминлашда халқаро ва минтақавий механизмлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича миллий ҳаракат режалари

(“Йўл хариталари”)ни тасдиқлаш амалиёти татбиқ этилди. Мамлакатда инсон ҳуқуқлари бузилишига барҳам бериш мақсадида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ва одил судлов тизими ваколатларини мустақамлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг миллий тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳаси, жумладан, жинойий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислохотлар ҳам илчил давом эттирилмоқда. Кўп йиллар давомида сақланиб келган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд идораларининг, асосан, жазолашдан иборат функциясига чек қўйилди. Ҳисбага олинган ва жинойий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан қўноққа солиш, руҳий ҳамда жисмоний босим ўтказиш ва бошқа гайриинсоний зўравонлик ҳолатларига қарши принципиал кураш бошланди. Фуқароларни сохта далиллар, тўхмат ва бўхтонлар асосида жавобгарликка тортишдек номақбул амалиётга барҳам берилди.

Афв этиш ва жамоат бирлашмаларининг кафилиги остида шахсларни жазодан озод қилишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Жаслик кўрғонида жойлашган ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колонияси ёпилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим воқеа бўлди. Бундай чора-тадбирлар натижасида озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумлар сонини 2,5 баробар камайдди.

Шу билан бирга, дин, сўз ва фикр эркинлиги, маълумот олиш, камситишга йўл қўймаслик, гендер тенгликни таъминлаш, барчанинг сифатли таълим ва тиббий хизматлардан тенг фойдаланиши, кекса одамларнинг ижтимоий интеграцияси, болалар, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Инсоннинг иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш, хусусий мулкчилик ва давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш янада юқори босқичга кўтарилмоқда.

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯЛАРИ, ОДАМ САВДОСИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАРШИ КУРАШИШ МИЛЛИЙ КОМИССИЯСИ КАБИ ПАРЛАМЕНТ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

Ўзбекистоннинг янги тарихида илк бор камбағалликни қисқартириш бўйича қатъий қарор қабул қилинди ва кенг қамровли ишлар бошланди. Аҳолини арзон уй-жой ва ичимлик сув билан таъминлаш, эҳтиёжманд оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар бошланди. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар — келажакимиз”, “Беъ ташаббус” каби 20 дан ортиқ давлат ижтимоий дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги иш усули — “Темир дафтар” тизими жорий этилди. Бу тизим орқали юз минглаб фуқароларнинг бандлиги таъминланмоқда, қарийб 5 миллион оилдаги муаммолар ҳал этилди.

Қўлдан буён аҳолини қийнаб келаётган энг муҳим масалалардан бири бўлиши уй-жой муаммосини ҳал этиш, аҳолига қўлай яшаш шaroитлари яратиш мақсадида қабул қилинган, жумладан, арзон уй-жойлар дастури асосида 2017–2021 йиллар давомида мамлакатда 250 минг хонадонли 8 мингдан ортиқ кўп қavatли уй, 21 мингта сервис ва 10 мингдан зиёд ижтимоий объект, 31 мингта корхона ташкил этилди. Шу даврда қурилиш ишлари ҳажми 4 бараварга ошди, 2021 йилда 107 триллион сўмини ташкил этди.

Ичимлик сув аҳоли салооматлиги, ҳаёт сифатини таъминлашда муҳим омил бўлиб, бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, манзилли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сўнгги 5 йилда 12 триллион сўм эвазига 25 минг 300 километрдан ортиқ тармоқлар, 1 минг 800 дан зиёд сув иншооти қурилди ва қайта тикланди. Натижада 6 миллион 500 минг киши илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланди, 4 миллиондан зиёд фуқаронинг сув таъминоти яхшиланди. Умуман, аҳолининг марказлашган тармоқлар орқали ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 73 фоизга етказилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ислохот этиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида қишлоқ врачлик пунктлари, тез тиббий ёрдам хизмати, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини янада яхшилаш бўйича тизимли ишлар бажарилди. Биргина шу йилнинг ўзида 191 та туман ва шаҳар марказий шифохоналарида болалар реанимация бўлимлари, 208 та кўп тармоқли поликлиника ҳамда Тошкент шаҳрида 71 та оилавий поликлиникада болалар бўлимлари ташкил этилди. Маъруза соҳадаги ислохотлар натижасида аҳолининг сифатли тиббий-санитария хизматларидан фойдаланиш имконияти ошди. Энг асосийси, мамлакатдаги ўртача умр кўриш даражаси 1990 йилдаги 67,2 ёшдан бугунга қадар 74,6 ёшга етди,

оналар ўлими бир ярим ҳафта болалар ўлими тўрт баробар камайди.

Алоҳида эътиборга муҳтож, имконияти чекланган, ногиронлиги бор фуқароларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниди ва “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция парламент томонидан ратификация қилинди. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг янги тизими татбиқ этилди. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни тизимли хизмат билан қамраб олиш даражаси 8,3 фоиз оширилди.

Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу борада “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. 30 июнь Ўзбекистонда Ёшлар куни сифатида кенг нишонланмоқда. Ўзбекистон Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги фаолияти йўлга қўйилди. Маҳаллаларда 9 минг 500 нафар ёшлар етакчиси ўз фаолиятини бошлади. Йигит-қизларнинг бизнес ташаббусларини рўёбга чиқариш, субсидиялар, имтиёзли кредитлар ажратиш, касб-хунарга ўқитиш, фермерлиқни қўллаб-қувватлаш, фарзандлар таълим-тарбияси, уларни соғломлаштириш ва бўш вақтининг мазмунли ташкил этиш, “Ёшлар дафтари” орқали уларга қўмаклашиш каби йўналишларда давлат томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилмоқда. “Ёшлар дафтари”га киритилган 700 миңдан ортиқ ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш учун 650 миллиард сўм йўналтирилди. Сўнгги икки йилда 147 минг ёшнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 4 триллион 400 миллиард сўм имтиёзли кредит берилди. 560 минг нафарига деҳқончилик учун ер майдони ажратилиб, бандлиги таъминланди.

Инсоннинг билим олиш ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида бир-бири билан чамбарчас боғланган таълим — мактабга таълим, мактаб таълими, ўрта махсус ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантириш бўйича беқийс ўзгаришлар юз бермоқда. 2025 йилга бориб 3–7 ёшдаги болаларнинг 80 фоизини мактабга таълим билан қамраб олишни назарда тутадиган Мактабга таълим тизимини ривожлантириш концепцияси ҳаётга жорий этилмоқда.

Бугунги кунда кичик ёшдаги болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш даражасини 28 фоиздан 60 фоизга етказишга, боғчалар сонини эса 3 баробар қўпайтириб, 14,2 мингтадан оширишга эришилди.

Мактаб таълимини тубдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш борасидаги ислохотлар жадал давом этмоқда. Ота-оналарнинг фикри ҳисобга олиниб, юртимизда 11 йиллик таълим қайта тикланди. Янги таълим муассасаларини қуриш, мавжудларини таъмирлашга эътибор қаратилмоқда. Минглаб мактабларда электр энергияси, ичимлик сув таъминоти, иситиш тизими яхшиланди, ошхона, спорт заллари ва бошқа зарур биналар барпо этилди. “Замонавий мактаб” дастури қабул қилиниб, унинг доирасида тизимли ишлар олиб боришмоқда. 2021 йилнинг ўзида 3,3 триллион сўм маблағ ҳисобидан 789 та мактабда қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Умумтаълим мактаблари учун 326 номда ўқув-методик мажмуалар яратилди.

Мутлақо янгича мазмун ва шаклга эга бўлган Президент мактаблари ҳамда ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Математика, кимё-биология ва бошқа фанларни ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилинди. Ҳар бир туман ва шаҳарда ана шу фанларга ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич ташкил этилмоқда. Биргина Президент мактабларини битирган ёшларнинг 100 дан ортиги хориждаги нуфузли олий таълим муассасаларида тахсил олмоқда. Ўқитувчилар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Олий таълим тизимини янада ривожлантириш ва янги сифат босқичига кўтариш бўйича улан ишлар қилинмоқда. Қисқа муддатда 50 дан ортиқ янги олий таълим муассасаси ташкил этилди. Таълимнинг бакалаврият, магистратура ва сиртки шакллари учун квоталар оширилиб, кечки таълим шакли жорий этилди. Қабул параметрлари 2,5 карра оширилиб, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 28 фоизга, соҳага ажратилган давлат грантлари сонини 25 фоизга етказилди. 2021–2022 йилларда 400 нафар ёшлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали чет элга ўқишга юборилди. Сўнгги бир йилда халқаро фан олимпиадаларида 250 дан ортиқ медал қўлга киритилди. Жорий йилда 400 нафарга яқин ёш спортчи нуфузли халқаро мусобақаларда 450 га яқин совринли ўринларни эгаллади.

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида Конституциядаги мажбурий меҳнатни тақиқлаш тўғрисидаги қондага қатъий амал қилган ҳолда таъсирчан парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилди. Бюджет ташкилотлари ходимлари ва талабаларини мажбурий меҳнатга жалб этиш

“ЖАМИЯТДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК МУҲИТИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИШЛАР ҲАМ СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛДИ. ЮРТИМИЗДА 130 ДАН ОРТИҚ МИЛЛАТ ВА ЭЛЛАТ ҲАМДА 16 ТА ДИНИЙ КОНФЕССИЯ ВАКИЛЛАРИ АҲИЛ-ИНОҚ ЯШАБ КЕЛМОҚДА, ТАЪЛИМ 7 ТИЛДА — ЎЗБЕК, ҚОРАҚАЛПОК, РУС, ТОЖИК, ҚОЗОҚ, ҚИРҒИЗ ВА ТУРКМАН ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

қатъян тақиқланди. Пахта мавсумида Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича тизимли мониторинг йўлга қўйилди.

Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича парламент комиссияси, депутат ва сенаторлардан иборат ишчи гуруҳлар тузилди. Ишчи гуруҳлар томонидан барча ҳудудларда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича парламент назорати амалга оширилмоқда. Мажбурий меҳнат ва одам савдосига қарши кураш йўналишидаги вазифаларни бажариш мақсадида 20 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, болалар меҳнатига йўл қўйган шахсларга жинойий жавобгарлик белгиланди. Ўзбекистонда мажбурий ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди.

Кейинги йилларда БМТнинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чакирига жавобан мамлакатда узоқ вақтдан бери яшаб келиб, Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомага эга бўлмаган минглаб юртдошларимизга фуқаролик берилганини таъкидлаш зарур. БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида Миллий мақсадларни рўёбга чиқариш, инсон тараққиёти бўйича юқори индексга эга бўлган (интеллектуал салоҳияти, саводхонлиги, инсоннинг ўртача умр кўриш давомилиги) давлатлар даражасига эришишга, ижтимоий соҳага инновацияларни кенг жорий этишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қўрилди.

Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, меҳнат мигрантлари, болалар, ёшлар, аёллар, катта ёшдагиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, оила институтини мустақамлаш бўйича ишлар тубдан қайта кўриб чиқилди. Оила институтини мустақамлаш бўйича концепция қабул қилиниб, ундан оилавий можароларни ҳал этиш механизмлари, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари ўрни олди.

Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора қучайтириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Бошқарув тизимини яхшилашнинг улгуши 33 фоизга етказилди. 1,5 мингга яқин хотин-қиз турли даражадаги раҳбарлик лавозимларига тайинланди. Мамлакатда гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди. Барча ҳудудларда аёлларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш бўйича манзилли ишлар олиб бориш учун янги тизим — “Аёллар дафтари” жорий этилди. Ушбу дафтарга киритилган аёлларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Биргина 2021 йилда 4 мингдан зиёд хотин-қизларга уй-жой тўловини қўридан қўридан маблағлар ажратилди, 1 минг 163 нафар аёлда юқори технологик тиббий операциялар бепул ўтказилди. Аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 200 миңдан зиёд лойиҳаларда 2 триллион сўм кредит ва субсидиялар ажратилиб, 320 минг хотин-қизлар доимий иш ўринларига эга бўлди. 190 минг нафар аёл касб-хунарга ўқитилди.

Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳимоя қилишга қодир мамлакат сифатида ўзини намоеён этмоқда. Чет элларда ишлаётган ва таълим олаётган ватандошларимиз билан алоқалар мустақамлашга, ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланмоқда. Ўзбекистонга қайтиб, иш ёки ҳуқуқ фаолиятини давом эттириш истагида бўлган фуқароларимиз учун зарур шaroит яратилмоқда. Шу мақсадда Бандликка қўмаклашиш жамғармаси, Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда миллий-диний қадриятларимизни тиклашга ҳар томонлама эътибор қаратилмоқда. Натижада мамлакатда диний эркинлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик борасида вазият тубдан яхшиланди. Табаррук зиёратгоҳ ва қадамжолар, қўна масжид ва мадрасаларни обод қилиш, буюқ ажодларимизнинг бебаҳо маънавий-маърифий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш борасида салмоқли ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, Қашқадарё вилоятида калом илми пешқадамларидан Абу Мунин Насафий, Наманган вилоятида тасавуф таълимотининг йирик вакили Султон Увайс Қараний, Тошкент шаҳрида Сузук ота ёдрорлик мажмуалари бунёд этилди. Қўллаб-масжидлар, мадраса ва диний обидлар қайта қурилмоқда ва таъмирланмоқда. Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилди. Миллий тарихимизда биринчи марта кўп жилдли “Ислам” энциклопедияси нашр этилиб бошлангани ҳам муқаддас динимизнинг асп мазмун-моҳиятини халқимиз ўртасида кенг тарғиб этиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Турли ёт оқимлар таъсирига берилиб, қилган ишдан чин дилдан пушаймон бўлган 20 миңдан зиёд фуқаро махсус ҳисобдан чиқарилди, 1,5 миң нафардан ортиқ маҳкум афв қилинди ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам берилди. Бир неча босқичда амалга оширилган “Меҳр” операциялари ёрдамида қўллаб-ватандошимиз, асосан, аёллар ва болалар жанговар ҳаракатлар давом этаётган ҳудудлардан юртимизга қайтариб олиб келинди ва барчасининг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди.

Жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустақамлашга қаратилган ишлар ҳам сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари аҳил-иноқ яшаб келмоқда, таълим 7 тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб боришмоқда.


Барча ҳудудларда “Дўстлик уйлари” ташкил этилиб, уларнинг фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Миллий маданий марказларнинг моддий-техник базаси яхшиланиб, уларга давлат томонидан қўмак кўрсатилмоқда. Ҳар йили Халқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланадиган 30 июль санаи Ўзбекистонда “Халқлар дўстлиги куни” деб эълон қилинди ва ушбу байрам юртимизда ҳар йили нишонланмоқда.

Мамлакатда барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар орасида алоҳида аҳамиятга эга бўлган — сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш бўйича миллий кўрилмаган ишлар олиб боришмоқда. Ана шундай юксак эътибор тудайиби юртимизда оммавий ахборот воситалари сонини 2016 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга ортиб, 1962 тага, миллий ахборот мақомада интернет нашрларнинг сонини сўнгги 6 йилда салкам икки баробар қўпайиб, 677 тага етди, фуқаролик журналистикаси тез суръатларда ривожланмоқда. Натижада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ахборот манбалари янада ортиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларга тезкор муносабат билдириш, турли мавзулар бўйича очик, ҳолис ва танқидий фикр билан чиқишда катта имкониятлар яратилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлаш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоясини мустақамлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 20 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. 2017–2022 йиллар мобайнида ННТлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга республика бюджетидан 352,6 миллиард сўм йўналтирилди. ННТ раҳбар ходимлари малакасини ошириш тизими яратилди. Уларни рўйхатдан ўтказиш жараёнида мажбууд бўлган сўний тўсиқлар олиб ташланди. Натижада 2017 йилдан шу кунга қадар 3 395 та янги нодавлат ташкилоти ўз фаолиятини бошлади.

Қўлами ва миқёси тобора кенгайиб бораётган бундай амалий ишлар Янги Ўзбекистонни барпо этиш, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадларга йўғун ва ҳамоанг бўлиб, барча юртдошларимизни ана шу гоълар атрофида янада бирлаштиришга хизмат қилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Буларнинг барчаси инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши, жамиятда қонун устуворлиги таъминланишига мустақамлашнинг асосий шaroити бўлади, халқ давлатдан рози бўлади, жамият тараққиоти ва юксалиш сари юз тутайди.



МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ

МУАЗЗАМ ДИЁРДА АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ ВОРИСЛАР ТАРБИЯ ТОПМОҚДА

Хар қандай давлат тараққиёт йўлида муайян ютуқ ва имкониятларга эга бўлади. Мамлакатнинг тинчлиги, фаровонлиги ва бардавом ривожланиши шу юрт аҳлининг эзгу ният ва интилишлари, залворли меҳнати ҳамда ҳолис нияти эъзига ҳосил бўладиган буюк неъматдир. Иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар моддий юксалиш деб айтилса, инсон маънавияти ва маърифатининг юксалиши маънавий тараққиётдир. Улар муштарак ва бини иккинчисини тақозо қилади.



Шукурилло УМАРОВ, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

бирга ботил мафқураларга илмий асосланган радиялар бериш, шунингдек, буюк алломалар маънавий мероси бўлган қўл ёзма-ларни кенг тадқиқ этиш борасида аҳамиятга молик ишлар йўлга қўйилди. Марказлар ҳузурида профессор-олимлар ва соҳа мутахассисларини бирлаштирувчи платформа ташкил этилган бўлиб, уларга таниқли хорижий буюқорийшунос, мотуридийшунос, термизийшунос олимлар ҳам жалб этилган. Масалан, Оксфорд ислом тадқиқотлар маркази директори Фарҳанг Низомий юртимизда тадқиқот олиб борган олим сифатида мамлакатимиздаги ислохотларни юксак баҳолайди: "Мен Ўзбекистонда бўлган вақтда у ерда ташкил этилган илмий марказлар фаолияти билан танишдим. Бу юртдан етишиб чиққан алломалар ҳаёти ва меросини ўрганишга бевосита қаратилган мазкур тадқиқот муассасалари буюқ аждодлари меросига хос ворислар етиштириб беришига ишонч ҳосил қилдим. Ўзбекистон буюқ мутафаккир ва мутакаллимлар, муҳаддису муфассирларнинг маънавий хазинасини ўзида жамлаган диёрдир".

Буюқ Британиядаги Ислмо маданияти маркази директори доктор Аҳмад Дубаян эса "Ўзбекистон — ислом умматида буюқ олимлар, минглаб муҳад-

дирлар бўлиб, шунингдек, китобхонларга мос, халқчил ва ёшларнинг психологик тарбия ишларида кенг фойдаланиш мақсадида зарур дарслик ва ўқув қўлланмалар, оммабон нашрлар, илмий-амалий тавсиялар тайёрлаш юзасидан ҳам тизимли тадқиқот ишлари йўлга қўйилган. Бугун ёш олимларимиз нафақат юртимиз, балки Буюқ Британия, Россия, Туркия, Малайзия каби давлатлардаги тадқиқот муассасаларида ҳам билим ва кўникмаларини оширишга муваффақ бўлмоқдалар.

Тарихан "Илм-маърифат каъбаси" дея эътироф этилган муаззам диёрда бугун ҳам аждодларга хос ворислар тарбия топмоқда. Илм-фан ва маданият, жумладан, ислом маърифати ривожига улкан ҳисса қўшган буюқ аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ҳамда илмий меросини ўрганиш, халқро майдонда кенг тарғиб қилишда катта ютуқларга эришган олимлар, тадқиқотчилар тақдирланиб, меҳнати доимо муносиб қадрланган.

Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Имом Бухорий" ордени таъсис этилиши ҳар бир ўзбекистонлик қалбда мислсиз ифтихор ҳиссини уйғотди. Мазкур орден билан илм-фан ва маданият, ислом маърифати ривожига



дислар, мутакаллим ва муфассирларни етиштириб берган замин. Бу юртдаги тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик биз учун шарафдир", дея марказлар томонидан халқро алоқалар доирасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этади.

Халқро алоқалар натижаси ўларок, бугун марказлар фондларида минглаб китоб-манбалар, каталоглар, китоб-альбом ва қўлёзмалар олиб келинмоқда. Узюқ йиллар ўз тадқиқотчисини кутиб ётган маънавий хазиналари қайта кашф этилмоқда. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқро ислом академияси, вилоятларда илмий мактаблар, олий ва ўрта махсус ислом таълим муассасаларининг янгидан ташкил этилиши том маънода диний-маърифий соҳа учун янги имкониятлар эшитини очиб берди. Аждодларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг ўзбек тилидаги илмий-илоҳий таржималарини амалга оширишда ҳам эътиборга муносиб ишлар бажарилмоқда. Жумладан, Имом Бухорий халқро илмий-тадқиқот маркази томонидан ҳадис илмига оид манбалар, хусусан, Имом Бухорийнинг бой маънавий мероси ўрганилиб, таржима ва тадқиқ қилинмоқда.

Имом Мотуридий халқро илмий-тадқиқот марказида таржима, китоб ва рисолалар тайёрлаш билан бирга, дунёдаги мотуридийшунос олимлар ягона мақсад йўлида бирлаштирилган таҳсинга лойиқ. Имом Термизий халқро илмий-тадқиқот марказида ҳам илмий-тадқиқот ишлари жадал амалга оширилмоқда. Хусусан, Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг шоҳ асари — "Сунани Термизий"нинг ўзбек тилидаги таржимаси мотуридий-ҳанафийлик

улкан ҳисса қўшган буюқ аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти, илмий меросини ўрганиш, тарғиб қилишда катта ютуқларга эришган маҳаллий ҳамда хорижий фуқаролар муҳофазатини илм-маърифатнинг янада ривожланишида, ёшларни илмий кашфиётларга, янги марраларни забт этишга ундашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Байрамлар, тўю тантаналар, шодиёна тинч, мустақил юртларга ярашади. Илмий юксалиш — ренессанслар ҳам шундай юртларда содир бўлиши тарихан исботланган ҳақиқатдир. Биз бугун мана шундай мамлакатда яшамоқдамиз. Унинг қадрига етиш эса ҳар бир зиёлидан муайян масъулият талаб қилади. Зеро, илм — тараққиёт. Илм — тарбия. Илм — гўзал ахлоқ. Илм — икки дунё саодати. Илм, Ҳаким Термизий таъбири билан айтганда, нурдир. Нурга интилган, унга ошно қалблар эса юксалишга маҳкумдир.

Бунга буюқ аждодлар далил. Уларнинг ибратларга тўла ҳаёт йўлларини кашфиётлар манбаи бўлган илмий мероси далил. Янги Ўзбекистон шахматчи-ёшларининг Ҳиндистонда бўлиб ўтган мусобақада дунёда тенгсиз эканини исботлагани, Туркиянинг Конья шаҳрида бўлиб ўтган V Ислмо бирдамлиги ўйинларида 54 давлат орасидан умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллагани далил.

Мустақиллик — неъмат. У мустақкам тинчлик, гўзал тарбия, илмга рағбат, ёшлар бахт-саодати, дуойи хайр билан бардавом бўлади. Президентимиз муборак умра сафари чоғида қилган дуоларида "Роббим, халқимни тинч, юртимни фаровон ва ёшларимизни саодатли қилгин!" дея алоҳида тақоррлади. Муқаддас жойларда улуглар томонидан қилingan дуолар ижобатдир, иншааллоҳ!

ЎЗЛИК, МАҚСАД ВА МАСЪУЛИЯТНИ АНГЛАШ ЙЎЛИДА

Тўлқин САЙДАЛИЕВ, филология фанлари номзоди, доцент, истеъфодаги подполковник

Адабиёт — тарбия воситаси. Унинг вазифаси инсон маънавиятини, руҳий оламини юксалтириш, тафаккурида миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлашдир. Жумладан, ҳарбий таълимда ҳам маънавий-маърифий тадбирлар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ҳарбий хизматчилар, курсантлар вазифа тақозосига қўра, истаган вақтда китоб ўқиси, телевизор кўриси, интернетга кириши учун вақт ва имкониятга эга эмас. Ҳарбий олий таълим муассасаларида мазкур тадбирларни ўтказишда тарбиявий бўлим ва бошқа мутаассадди ходимлар муайян қийинчилик ва муаммоларга дуч келади. Ҳолатнинг ўзига хослиги шундаки, бошлик буйруғи билан тасдиқланган кун тартиби ва бошқа муаммолар тадбирни эркин ўтказишга монелик қилади.

Бундан ҳамаси ўн йиллар аввал Ички ишлар вазирлиги академияси ўқув-дала полигонда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири ва мадҳиямиз муаллифи Абдулла Орипов иштирокида "Мадҳиямиз янграйди мангу" мавзусида маънавий-маърифий кеча ташкил этдик. Соат 16:00 да бошланган тадбир соат 20:00 га қадар чўзилиб кетди. Ваҳоланки, соат 19:00 да кечки овқатланш вақти эди. Навбатчилар кечки овқатланш вақти бўлганини айтишса-да, ҳеч ким юрак ютиб мадҳия муаллифининг сўзини бўла олмади. Керак бўлгани учун кун тартибига ўзгартириш киритишга мажбур бўлдик. Осмон узиллиб ерга тушгани йўқ, ҳаммаси рисоладагидек ўтди.

Ушбу учрашувда бир неча юз нафар профилактика инспекторлари қатнашган эди. Энди бир тасаввур қилиб кўринг, қанча қалбларни атоқли адибимиз ўзининг шеърини мисралардаги мунаввар сузлар билан хушнуд ва равшан этди. Буни суз билан ифодалаш мушкул. Шорнинг биргина "Ўзбекистон" шеърининг ёзилиш тарихи ва 1970 йилда Москва шаҳрида бўлган ёш ижодкорлар анжуманида янграб, ҳаммани лол қолдиргани, забардаст шоирлар Расул Ҳамзатов ва Қайсин Кулиевларнинг эътирофига сазовор бўлгани ҳақидаги ҳикоялар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирганди. Бинобарин, мазкур асаринг ҳар бир мисраси ватанпарварлик руҳи билан йўрилган. Демак, кун тартиби доғма эмас ва унга керак бўлса ўзгартишлар киритиши мумкин.

Кўпинча биз тарбиячилар, муаллимлар ёшларга Ватан ҳақида гапирганимида умумий, китобий гапларни айтамыз. Шу боис, сўзимизнинг таъсири, салмоғи бўлмайди. Бу борада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик шундай деган эди: "Биз Ватанни тинмай мадҳ этишни ватанпарварлик деб ўйлаймиз. Турки, мадҳ этмоқ ҳам лозим, аммо ватанпарварлик — номусли ва назокатли туйғудир. Муқаддас сузларни эҳтиёт қил, шомолга совурма. Ватанга муҳаббат хусусида дуч келган ерда оғиз кўпиртирма, яхшиси унинг фаровонлиги ва кудрати йўлида индамайгина меҳнат қилиш керак".

Мен иккита олий ҳарбий таълим муассасасида муаллимлик қилдим. Ёшларни ватанпарварлик, халқига садоқат, она тилига муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида устозларим Азизхон Қайумов, Худойберди Тўхтабоев, Озод Шарафиддинов, Абдуғафур Расулов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омонулла Мадаёв, Сўйима Ғаниева, Тоҳир Малик, Бахтиёр Назаров, Тўра Мирзаев, Иброҳим Ҳаққулов, Шерали Турдиев ва бошқалар билан жуда кўплаган тадбирлар ўтказдик. Ҳар бир маънавий-

маърифий тадбирни тайёрлашда, албатта, пухта режа ишлаб чиқиладди ва астойдил тайёргарлик кўрилади.

Эркин Воҳидов иштирокидаги учрашувларда, шорнинг гўзал ва бетакорор шеърлари ҳақида суз айтиб, албатта, "Ўзбегим" қасидаси ҳақида фикр билдирилди эди. Мазкур қасида ўзбек халқи-



нинг миллат сифатида юксалиши ва танилишида ҳамда шаклланишида муҳим роль уйнаганини ёшларга етказишимиз керак эди. Ҳозирги кунда ҳам бу шеър ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ.

Бу йўсиндаги тадбирларни юқори савияда ўтказиш Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан янгидан барпо этилган Адиблар хиббонида ўзгача мазмун касб этмоқда. Адиблар хиббонини миллий адабиётимизга эътиборнинг юксак намунаси дейиш мумкин. Ёшларнинг юрагига адабиёт чуқур кириб бориши учун давлатимиз раҳбари Адиблар хиббонидаги ҳар бир шоир ва ёзувчи ижодини ўрганиш, тарғиб этиш, уларнинг ҳайкаллари пойида учрашувлар, мушоиралар ўтказишни олий ўқув юртлирга тақсимлаб бериш тақлифини билдирган эди. Бизнинг институтга Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш вазифаси қўйилди. Уша кундан бошлаб Адиблар хиббони иккинчи уйимизга айланди.

Дунёда боғлар кўп. Бирови ўзининг гулу гиёҳлари билан шухрат қозongan бўлса, яна бири дарактарларнинг хилма-хиллиги билан кишилар ҳайратига сабаб бўлмоқда. Бироқ бизнинг Адиблар хиббонининг ўхшashi йўқ. Бобурдек шоҳ ва мутафаккир бобокалонимиз ҳайкали пойида жуда кўплаган тантаналар ва сермазун тадбирлар ўтказдик. Тадбирларни режалаштираётганда

нафақат ўзимиз ишлаётган ҳарбий олий ўқув юрти, балки бошқа ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари ҳам мазкур маърифий тадбирлардан баҳраманд бўлишини истардик. Буни мен ҳозир баралла айтишим мумкин, уйдасидан чиқа олдик. Қатор адибларимизнинг таваллуд кунларига бағишланган тадбирларда ИИВ академияси, ФВВ академияси, Ҳарбий тиббиёт академияси, Божжона институту, Қуролли Кучлар академияси ва бошқа олий ҳарбий таълим муассасалари иштирок этди.

Тадбирлар ўта самарали ва юқори савияда ўтди. Асосий мақсадимиз курсантларни чин инсон сифатида тарбиялаш эди. Умуман олганда, маънавий-маърифий тадбирлар ёшларга ижобий таъсир қилиши шубҳасиз. Айниқса, курсантларнинг "халол" ва "ҳаром"ни англаш ҳамда фарқлашда жуда катта аҳамият касб этади. Чунончи, халолга ҳаром аралашверса, бирровинг ҳақиқдан қўрқув ҳисси танамизни бир марта ҳам химирлатиб қўймаса, энг ёмони — бу тирикчилик воситасига айлиниб улгурган бўлса...

Маънавий-маърифий тадбирларга менсимай қараш, охир-оқибат кўнглисиз воқеаларга олиб келиши мумкин.

Ҳар бир курсантнинг келажакдаги фаолияти биз ва бизга ўхшаган профессор-ўқитувчилар меҳнатининг юзи ҳисобланади. Зеро, маърифатпарвар Абдулла Авлоний айтганидек, таълимни тарбиядан ва тарбияни таълимдан айро тушунмаслигимиз керак.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мутлақо янги қиёфага кирган Адиблар хиббонида ташрифи чоғида айтган яна бир гап доим ёдимда туради. "Адабиёт, маънавиятга қанча кўп эътибор қаратсак, бошқа соҳаларда ҳам ишларимиз шунча яхши бўлади". Демак, ҳарбийларни китобга ошуфта қилишимиз керак, чунки китобни севган одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Китобхонлиқни эса маънавий-маърифий тадбирларда тарғиб қиламиз. Ҳаёт шуни курсатяптики, баддий китобларга ошно курсант мутлақо бошқача фикрлайдиган бўлади. Маънавий-маърифий тадбирлар курсантларнинг фақат эзгу ишларга ундайди. Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, маънавий-маърифий тадбирлар олий ҳарбий таълим муассасаларининг узвий ва ажралмас қисми бўлиши керак. Зеро, бу курсантлар орасида ёрқин истеъдод эгаларини кашф этишга ҳам ёрдам беради.

Қаерда маънавият ва маърифат юксалса, ана уша ерда интизом, самара, унум бўлади. Биз Янги Ўзбекистонни маънавияти юксак ёшлар билан қураимиз.

